В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

ЮЛДАШЕВА АСАЛ ВИКТОРОВНА

ПЕРИДИНАМИК МОДЕЛЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН СИНГУЛЯР ИНТЕГРО-ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТЕНГЛАМАЛАРНИНГ ЕЧИЛИШИ ҲАҚИДА

01.01.02 – Дифференциал тенгламалар ва математик физика

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ - 2022

УДК 517. 956

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Content of the of Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

ЮЛДАШЕВА АСАЛ ВИКТОРОВНА

ПЕРИДИНАМИК МОДЕЛЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН СИНГУЛЯР ИНТЕГРО-ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТЕНГЛАМАЛАРНИНГ ЕЧИЛИШИ ҲАҚИДА

01.01.02 – Дифференциал тенгламалар ва математик физика

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ - 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.DSc/FM187 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация В.И.Романовский номидаги Математика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (http://kengash.mathinst.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Алимов Шавкат Арифжанович** физика-математика фанлари доктори, академик
Расмий оппонентлар:	**Дурдиев Дурдимурод Қаландарович** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Рахимов Абдумалик Абдумажидович физика-математика фанлари доктори, профессор
	Ўринов Ахмаджон Кушакович физика-математика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Хожа Аҳмад Ясавий номидаги халқаро қозоқ-турк университети (Қозоғистон)

Диссертация ҳимояси В.И.Романовский номидаги Математика институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил « 1 » ноябр соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси. Тел.: (+99871)-207-91-40, e-mail: uzbmath@umail.uz, Website: www.mathinst.uz.)

Диссертация билан В.И.Романовский номидаги Математика Институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (145-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси. Тел.: (+99871)-207-91-40).

Диссертация автореферати 2022 йил « 14 » октябр куни тарқатилди.

(2022 йил « 14 » октябрдаги 2-рақамли реестр баённомаси).

У.А. Розиков
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

Ж.К.Адашев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, ф.-м.ф.д., катта илмий ходим

А. Азамов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., академик

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар аксарият ҳолларда механика хусусан, туташ муҳитлар механикаси моделларини тадқиқ қилиш каби масалаларга келтирилади. Ташқи таъсир остида материаллар ва иншоотларнинг деформация реакциясини аниқлаш учун атомистик тузилмалар ҳисобга олинмаган классик туташ муҳитлар механикаси жорий этилди. Туташ муҳитлар механикаси кўплаб мураккаб масалаларни ҳал қилиш учун муваффақиятли ҳисобланади. Лекин, унинг асосий тенгламаси қисман дифференциал тенгламалар билан тавсифланади ва структурада узилишлар ёки ёриқлар мавжуд бўлганда қўлланилмайди, чунки бундай муҳитда фазовий хусусий ҳосилалар аниқланмаган. Ушбу масалаларни бартараф этиш учун Силлинг структурада узилишлар мавжуд ёки йўқлигидан қатъий назар, унинг асосий тенгламаси ҳар доим тўғри бўлади деган фараз билан туташ муҳитлар механикаси ва перидинамикага янги ёндашувни киритди.

Перидинамик моделлар фазовий ўзгарувчиларда ҳосилаларсиз интегро-дифференциал тенгламалар билан тавсифланади, шунинг учун узилиш пайдо бўлганда, математик структура бузилмайди. Бунинг ўрнига синиш ҳаракат тенгламаси ва аниқловчи моделга мувофиқ юзага келадиган деформациянинг табиий натижаси сифатида қаралади. Шунинг учун перидинамик моделда ёриқ ўсишини моделлаштириш анъанавий синиш механикасида ёриқнинг келиб чиқишини аниқлаш учун талаб қилинадиган қўшимча маълумотлар ва тенгламаларни талаб қилмайди: тезлик ўсиши, йўналиш, тўхташ, тарқалиш ва бошқа хусусиятлар. Бундан ташқари, перидинамикани молекуляр динамиканинг доимий версияси деб ҳисоблаш мумкин, бу эса ушбу янги ёндашувни материалларни кенг кўламли таҳлил қилишни тақазо этади. Перидинамик ёндашувни иссиқлик, намлик ва бошқа параметрларга ҳам қўллаш мумкин. Ва бу унинг материалларни кўп физик хоссаларини таҳлил қилиш учун ягона платформа сифатида ишлатишга имкон беради.

Ҳозирги кунга келиб мамлакатимизда фундаментал фанлар ва уларнинг амалий татбиқига эга бўлган йўналишларга эътибор кучайтирилди. Шу сабабли математиканинг устувор йўналишлари ҳисобланган «дифференциал тенгламалар, математик-физика тенгламалари, динамик системалар назарияси, алгебра ва функционал таҳлил, эҳтимоллар назарияси ва математик статистика, амалий математика ва математик моделлаштириш» соҳаларида илмий тадқиқот ишлари олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси қошидаги В.И.Романовский номидаги математика институтининг асосий масалаларидан бири ҳисобланади[1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4387-

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 292-сон қарори

сон «Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожлантиришнинг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича ҳалқаро илмий-тадқиқотлар шарҳи. Сингуляр интегро-дифференциал тенгламалар ва уларнинг татбиқлари бўйича дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Sandia National Laboratories, University of Strathclyde, Los Alamos National Laboratories, Micromechanics & Composites LLC, Columbia University, Washington State University, University of Nebraska-Lincoln, Oak Ridge National Laboratory, University of Texas, University of California, Kansas State University, University of New Mexico (АҚШ), Berlin Technical University, Bauhaus-University Weimar, Leibniz University, German Aerospace Center (Германия), Peking University, Hohai University, Beihang University, China University of Petroleum, Shanghai Jiao Tong University, Zhengzhou University (Хитой), University of Padova (Италия), University of Strathclyde, University of Derby, Imperial College (Буюк Британия), Sabanci University, TOBB University (Турция), Hiroshima University (Япония), Korea Advanced Institute of science and Technology, Seoul National University, Kunsan National University (Корея) каби илмий лабораторияларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Охирги йилларда интегро-дифференциал тенгламалар қўллаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор долзарб масалалар ечилган. Жумладан, Калтофф-Винклер тажрибаларида пўлат пластинкани кесмалар билан йўқ қилиш масаласини перидинамик моделлар ёрдамида ўрганилган (University of Nebraska-Lincoln); қалин пластинкада ёриқларнинг ўсиши ва Герц ёриқлари ўрганилган (University of New Mexico); мембраналарнинг шикастланиши, ёрилиши ва узилиши, шарларнинг ёрилиши ва узоқ таъсирли кучлар туфайли толалар ва толалар тармоқларининг деформацияси кўриб чикилган (Sandia National Laboratories); чексиз стержен динамикасини, фаза чегаралари ҳаракатини (Institut für Mathematik , Technische Universität Berlin), сакраш шартларини ёки чизиқли бўлмаган дисперсия муносабатларини перидинамик моделлар орқали ёритилганини кўрилган (Technical University of Munich); Фурье алмашишидан фойдаланиб, ўз-ўзини мувозанатли юк тақсимотига учраган чексиз стержен деформацияси (Massachusetts Institute of Technology, Cambridge) ўрганилди; перидинамик назария (Technical University of Munich) доирасида ёриқлар ўсиши учун энергия баланси олинган. Чизиқли бўлмаган эластиклик ҳолатидаги вазият янада мураккаб бўлиб, ҳозирда бизга кам натижалар маълум (классик чизиқли бўлмаган эластодинамикада вазият янада мураккаб).

Бугунги кунда дунёда сингуляр интегро- дифференциал тенгламалар учун бир қатор изланишлар, шу жумладан, бошланғич-чегаравий масалаларни ечиш ва олинган ечимларни татбиқ этиш; чизиқли бўлмаган перидинамик жараёнлар билан боғлиқ тенгламалар учун бошланғич масалаларни ечимини топиш; гиперсингуляр ядроли интегро-дифференциал тенгламаларнинг ечимларини ўрганиш ва бошқа шу каби устувор йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Туташ муҳитлар механикасида нолокал назарияларни қуришга уринишлар 1970-йилларда Е.Крон, А. Эринген ва уларнинг ҳаммуаллифлари мақолалари билан бошланган. 1982-1983 йилларда И.А. Кунинннинг китоблари нашр этилди. Аммо бу ёндашувлар умумий бўлмаган ва шунинг учун бугунги кунда нолокал масалалар яна долзарб бўлиб қолди. Қаттиқ зарралар орасидаги мавжуд, эҳтимол чизиқли бўлмаган кучларни тавсифлаш учун фазовий-дифференциал операторлар ўрнига, жой алмашиш майдонидаги фарқлар бўйича интегралланиш қўлланилади. Фазовий ҳосилалар йўқлиги сабабли, интеграл-дифференциал тенглама учун чегаравий шартлар умуман керак эмас (гарчи бу интеграл ядро ва функционал-аналитик ўрнатишнинг ягона ҳаракатларига боғлиқ бўлса ҳам). Шунга қарамай, нол бўлмаган ҳажм бўйича ечимни чеклайдиган чегара бўйлаб қийматларни белгилаш орқали "чегара" шартларини қўллаш мумкин.

Жуфти билан кучли функциясини линеаризация қилиш орқали биз кўплаб муаллифлар томонидан ўрганилган линеаризацияланган пиродинамик моделни оламиз. Э. Эммрих ва О. Вагнер бир ўлчовли фазовий ўзгарувчига эга чизиқли динамик моделни кўриб чиқдилар, масалани ечимнинг мавжудлиги, ягоналиги ва турғунлигини исботладилар ва материалнинг турига қараб ўрганилаётган функциянинг турларини келтиришган. Кичик деформацияларга нисбатан қўлланиладиган аэродинамик ҳолат назариясининг линеаризацияланган версияси С. Силлинг томонидан ишлаб чиқилган ва соддалаштириш орқали масала иккинчи турдаги Фредголмнинг чизиқли интеграл тенгламасига келтирилди.

Ш.Алимов, Ю.Цао ва О.А.Ильхан ишларида махсус ядрога эга бўлган динамик моделдаги корректлилик ва регулярлик ўрганилиб, уни Волтерра интеграл тенгламасига келтирилади. Шундай қилиб, ўша пайтда маълум бўлган натижалар яхшиланган. Ш. Алимов ва Ш. Шералиевларнинг ишларида сингуляр ядроли чизиқли перидинамик модели кўп ўлчовли фазода кўриб чиқилган. Муаллифлар логарифмик Гилберт фазосида масаланинг ечимини топишга имкон берадиган ядро турини топишга муваффақ бўлишди. Эътибор беринг, ушбу ишдаги натижалар уч ёки ундан ортиқ ўзгарувчига эга бўлган ҳолатлар учун олинган. Уларда олинган формулалар икки ўлчовли сохада перидинамик моделлар учун қўлланилмайди. Анизотропик жисмлар ва эластикликнинг чизиқли бўлмаган хусусиятларига эга жисмларда деформация жараёнларини ўрганиш чизиқли бўлмаган перодинамик тенгламаларга олиб келади. Ушбу тенгламаларни ўрганиш билан боғлиқ бир қатор натижалар маълум. Асосан, муаллифлар фақат локал ечилишини исботлашга муваффақ бўлишди. Интегро-дифференциал тенгламаларни ўрганиш амалий нуқтаи назардан интегро-дифференциал тенгламаларнинг умумий назариясини ривожлантириш ҳамда, турли перидинамик жараёнларни математик моделлаштиришда долзарб ва муҳим ўрин тутади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий ўқув муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари В.И.Романовский номли Математика институти илмий-тадқиқот ишлари режасидаги ОТ-Ф4-88 рақамли «Иккинчи ва юқори тартибли аралаш типдаги тенгламалар учун тўғри ва тескари масалаларнинг татбиқлари» ва Ф-ФА-2021-424 «Бутун сонли ва каср тартибли дифференциал тенгламалар учун чегаравий масалаларни ечилиши» мавзусидаги фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади перидинамик моделлар билан боғлиқ сингуляр ядролар интегро-дифференциал тенгламалар ва чизиқли бўлмаган интегро-дифференциал тенгламалар учун бошланғич масалаларни ечишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

қаралаётган икки ўлчовли даврий соҳада махсуслиги 2 бўлган сингуляр интегро-дифференциал тенглама ядросининг янги кўринишини олиш ва уларни Волтерра операторли тенгламаларига келтириш;

икки ўлчовли соҳада чизиқли бўлмаган эластикликнинг перидинамик моделлари билан боғлиқ бўлган тенгламанинг берилган функцияларга шартларини ва тенгламани ечилиши синфини топиш;

Соболев синфидаги функциялар учун янги баҳоларни исботлаш;

ихтиёрий соҳада қаралган сингуляр интегро-дифференциал тенгламани регуляр тенгламага келтириш методологиясини ишлаб чиқиш;

икки ўлчовли даврий соҳада қаралган гиперсингуляр интегро-дифференциал тенглама ечимининг мавжудлиги синфини топиш, унинг хусусиятларини ўрганиш;

чизиқли бўлмаган перидинамик тенгламанинг глобал ва локал ечиш шартларини аниқлаш;

Буссинеск типидаги интегро-дифференциал тенгламанинг ечиш шартларини топиш ва олинган ечимларнинг хусусиятларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти. Сингуляр интегро-дифференциал тенгламалар ва чизиқли бўлмаган интегро-дифференциал тенгламалар.

Тадқиқотнинг предмети. Перидинамика, сингуляр интегро-дифференциал тенгламалар ва чизиқли бўлмаган интегро-дифференциал тенгламалар назарияси, математик физика тенгламалари назарияси, интеграл ва операторли тенгламалар назарияси.

Тадқиқотнинг усуллари. Масалаларни ўрганишда ўзгарувчиларни ажратиш усули, интеграл тенгламалар усули, оддий дифференциал тенгламаларни ечиш усуллари, функционал таҳлил усуллари, дифференциал операторлар назариясидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

икки ўлчовли соҳада интегро-дифференциал тенгламаларнинг сингуляр ядроларининг бошқа кўриниши топилган, бу эса масаланинг регуляр ядроли тенгламаларга келтириш имконини берган;

ихтиёрий икки ўлчовли ва кўп ўлчовли соҳаларда перидинамик тенгламалар учун дастлабки маълумотлар билан масалаларни ечимининг мавжудлик ва ягоналик теоремалари исботланган;

турли ночизиқли перидинамик тенгламаларнинг глобал ва локал ечилишининг шартлари топилган;

Соболев синфларининг баъзи функциялари учун янги баҳолар исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси турли материаллар деформациясининг чизиқли ва ночизиқли хоссаларини ўрганишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, перидинамик жараёнларнинг математик моделларини қуриш учун асос бўлиб ҳизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда математик физика, дифференциал тенгламалар, функционал ва математик анализ усулларидан қатъий фойдаланилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ишнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар сингуляр ядроли интегро-дифференциал тенгламалар назариясини ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти улардан турли материалларнинг перидинамик хусусиятларини таҳлил қилишда, шунингдек турли перидинамик жараёнларнинг математик моделларининг сонли ечимларини қуришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Перидинамик моделлар билан боғлиқ бўлган сингуляр интегро-дифференциал тенгламалар бўйича олинган натижалар асосида:

ихтиёрий икки ўлчовли ва кўп ўлчовли соҳаларда перидинамик тенгламалар учун дастлабки маълумотлар билан масалаларни ечимининг мавжудлик ва ягоналик теоремаларидан АААА-А19-119072290002-9 рақамли «Камчатка табиий офатлари-зилзилалар ва вулқон отилиши» мавзусидаги хорижий грант лойиҳасида ночизиқли ёрилган муҳитни таҳлил қилишда фойдаланилган (Камчатка давлат университетининг 2022 йил 31 майдаги 17/2-12-сонли маълумотномаси, Россия). Илмий натижанинг қўлланилиши перидинамиканинг гиперсингуляр интегро-дифференциал тенгламасига асосланган математик моделнинг сонли ечимининг самарали алгоритмларини ишлаб чиқиш имконини берган;

икки ўлчовли соҳада интегро-дифференциал тенгламаларнинг сингуляр ядроларини регуляр ядроли тенгламаларига келтириш усулидан «Эластик ва пластик муҳитларнинг чизиқли бўлмаган моделларини ишлаб чиқиш, статик ва динамик юкларнинг таъсири остида изотропик ва анизотропик жисмларнинг чизиқли бўлмаган деформацияси» мавзусидаги хорижий грант лойиҳасида эластик муҳитларнинг чизиқли бўлмаган моделларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтининг 2022 йил 20 июндаги 437-3-сонли маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши эгилувчанлик масалалар ечимларини сонли усулларини олиш имконини берган;

жуфт тартибли квазичизиқли тенгламалар учун ва перидинамиканинг чизиқли бўлмаган тенгламаларининг ишлаб чиқилган усуллари MRU-OT-1/2017 рақамли «Нокласcик ва операторли дифференциал тенгламалар учун нолокал ва тескари масалалар» мавзусидаги фундаментал лойиҳада иккинчи тартибли аралаш типдаги чизиқли ва квазичизиқли тенгламалар учун нолокал масалалар ечишда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий университетининг 2022 йил 23 июндаги 01/11-3672-сонли маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши асосий қисмдаги иссиқлик ўтказувчанлик оператори бўлган тоқ тартибли тенгламалар учун нолокал масалалар ечимларининг мавжудлиги ва ягоналигини кўрсатиш имконини берган;

турли ночизиқли перидинамик тенгламаларнинг глобал ва локал ечилишининг топилган шартларидан 18-51-41002 рақамли «Ўзаро таъсирлар билан икки фазали муҳитларнинг термодинамик келишилган математик моделини диссипатив ёндашувда математик моделлаштириш» мавзусидаги фундаментал лойиҳада тенгламалар системаси учун чегаравий масалаларини ечишда фойдаланилган (Ҳисоблаш математикаси ва математик геофизика институти Сибирь филиалининг 2022 йил 10 июндаги 15301-сонли маълумотномаси, Россия). Илмий натижанинг қўлланилиши диссипатив яқинлашишда магнит-кучланиш тенгламалар системаси учун чегаравий масалаларини умумлашган ечимнинг мавжудлиги ва ягоналигини кўрсатиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий ишлар чоп етилган бўлиб, шундан 11 та мақола Ўзбекистон Республикаси олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилган, 5 таси республика ва 6 таси Scopus маълумотлар базаларида индексланган журналларда.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 136 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **биринчи бобида** даврий тузилишга эга бўлган доимий перидинамик моделларга бағишланган, улар жой алмашиш майдонини бирлаштиришни ўз ичига олади.

Ушбу бобнинг **биринчи параграфида** перидинамик тенгламаларнинг пайдо бўлиши сабаблари ва тарихи, улардаги мавжуд бўлган асосий фарқлар келтирилган.

Иккинчи параграфида даврий икки ўлчовли сохада перидинамик тенгламаси учун Коши масаласи ўрганилган. Берилган барча функциялар фазовий ўзгарувчилар бўйича даврий функциялар деб ҳисоблаймиз.

$t>0$ бўлганда $D=\left[-\pi,\pi\right]^2$ соҳада чизиқли перидинамик моделни қуйидаги интегро-дифференциал тенглама билан тавсифлаш мумкин:

$$\frac{\partial^2 u}{\partial t^2}+\int\limits_D K(x,y)\left[u(x,t)-u(y,t)\right]dy=f(x,t), \tag{1}$$

бошланғич шартлар

$$u(x,0)=\varphi\left(x\right),\ u_t\left(x,0\right)=\psi\left(x\right). \tag{2}$$

Бу ерда $\varphi: D\to\mathbb{R}^2, \psi: D\to\mathbb{R}^2$ - бошланғич маълумотлар, $f: D\times\left[0,T\right]\to\mathbb{R}^2$ - ташқи куч ва ядро K эса 2×2 ўлчовли матрица функцияси

$$K(x,y)=P(x-y), x\in D, y\in D, \tag{3}$$

бу ерда *P(x)* даврий функция бўлиб ва у қуйидаги кўринишга эга

$$P(x)=\frac{\left(x\otimes x\right)}{|x|^4}\chi\left(|x|\right). \tag{4}$$

Бунда $\otimes$ белги тензор кўпайтма ва $\chi\left(r\right)\in C^\infty\left(\mathbb{R}\right)$ функция айрим фиксирланган $\rho,\ 0<\rho<\frac{\pi}{2}$ лар учун қуйидаги шартни қанотлантиради

$$\chi\left(r\right)=\begin{cases}1,\ r\le\rho,\\0,\ r\ge2\rho,\end{cases} \tag{5}$$

ва $0\le\chi\left(r\right)\le1,\ r\in\mathbb{R}$.

Биз (1)-(2) масалани ечимини $t\ge0$ бўлганда $L_2\left(D\right)$ дан олинган $u\left(x,t\right)$ функцияни тушунамиз, бу функция $t>0$ да икки марта t бўйича узлуксиз ҳосилага эга бўлиб, (1) тенгламани ва (2) шартларни қанотлантиради.

Қуйидагини аниқлаймиз

$$\left(\nabla \otimes \nabla\right)=\begin{pmatrix} \dfrac{\partial^2}{\partial x_1^2} & \dfrac{\partial^2}{\partial x_1 \partial x_2} \\ \dfrac{\partial^2}{\partial x_2 \partial x_1} & \dfrac{\partial^2}{\partial x_1^2} \end{pmatrix} \text{ ва } I\Delta=\begin{pmatrix} \Delta & 0 \\ 0 & \Delta \end{pmatrix},$$

бу ерда Δ - Лаплас оператори ва I - бирлик матрица.

1-тасдиқ. (4) *функцияни қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин*

$$P(y)=\frac{\chi\left(|y|\right)}{2}\left[\left(\nabla \otimes \nabla\right)\ln\frac{1}{|y|}+I\Delta\left(\frac{\ln^2|y|}{2}\right)\right],\ y\in D.$$

Кўриб чиқилаётган масала учун қуйидаги натижалар исботланган.

1-теорема. *(1) - (2) масалани ечими ягона.*

2-теорема. *Айтайлик* $\varphi\left(x\right)\in \overset{\circ}{W}{}_2^{\alpha}(D), \alpha>3,\ \psi\left(x\right)\in \overset{\circ}{W}{}_2^{\beta}(D), \beta>2$ *ва* $f\left(x,t\right)\in \overset{\circ}{W}{}_2^{3}(D)$ *функция* $t\geq 0$ *бўйича узлуксиз бўлсин. У ҳолда (1) - (2) масала ечимга эга.*

Биринчи бобнинг **учинчи параграфида** $D=\left[-\pi,\pi\right]^2$ соҳада қуйидаги тенглама

$$\frac{\partial^2 u}{\partial t^2}+2\alpha\frac{\partial u}{\partial t}+\int\limits_D K(x,y)\left[u(x,t)-u(y,t)\right]dy=f(x,t),\ x\in D,\qquad t>0 \qquad (6)$$

$$u(x,0)=\varphi\left(x\right),\ u_t\left(x,0\right)=\psi\left(x\right) \qquad (7)$$

бошланғич шартлар билан ўрганилган.

Бу ерда $u:D\times\left[0,T\right]\to\mathbb{R}^n$ - номаълум функция, $K-$ ядро $n\times n$ ўлчамли $D\times D$ соҳада берилган матрица функцияси, $\varphi:D\to\mathbb{R}^n$ ва $\psi:D\to\mathbb{R}^n$ - бошланғич маълумотлар, $f:D\times\left[0,T\right]\to\mathbb{R}^n$ - ташқи куч.

Биз ушбу параграфда $n\geq 2$ бўлсин деб олиб ва ядрони эса қуйидаги кўринишда оламиз

$$K\left(x,y\right)=P\left(x-y\right),\ x\in D, y\in D,$$

бу ерда $P(x)$ даврий функция бўлиб, $x\in D$ да қуйидаги кўринишга эга

$$P(x)=\frac{\left(x\otimes x\right)}{|x|^{n+2}}\chi\left(|x|\right).$$

$\chi\left(r\right)\in C^{\infty}\left(\mathbb{R}\right)$ функция (5) билан аниқланади.

Иккита фазовий ўзгарувчи бўлганда қуйидаги натижа олинди.

3-теорема. *Берилган функциялар* $\varphi\left(x\right)\in \overset{\circ}{W}{}_2^{1}\left(D\right),\ \psi\left(x\right)\in \overset{\circ}{W}{}_2^{1}\left(D\right)$, $f\left(x,t\right)\in \overset{\circ}{W}{}_2^{3}(D)$ *функция* $t\geq 0$ *бўйича узлуксиз ва* $\alpha>0$ *бўлсин. У ҳолда (6)-(7) Коши масаласи ягона ечимга эга.*

Агар масала n-ўлчовли соҳада қаралса, қуйидаги интеграл операторни киритамиз

$$Bv(x)=\int_D P(x-y)\left[v(y)-v(x)\right]dy,$$

ва (6) – (7) масалани қуйидаги тенгламага олиб келамиз

$$u(x,t)+2\alpha\int_0^t u(x\ s)ds-\int_0^t (t-s)Bu(x,s)ds=F(x,t),\ x\in D, t>0, \qquad (8)$$

бу ерда

$$F(x,t)=(2\alpha t+1)\varphi(x)+t\psi(x)+\int_0^t (t-s)f(x,s)ds.$$

Қуйидаги операторни киритамиз

$$Av(x)=-2\alpha\int_0^t v(s)ds+\int_0^t (t-s)Bv(s)ds\ .$$

Ушбу белгилашни ҳисобга олган ҳолда, (8) тенглама қуйидагича кўринишни олади

$$u(t)=Au(t)+F(t).$$

Кетма-кет яқинлашиш усули билан олинган кетма-кетликни аниқлаймиз

$$v_0(t)=F(t), v_{k+1}(t)=Av_k(t)=A^kF(t).$$

Энди Нейман қаторининг яқинлашишини

$$u(t)=\sum_{k=0}^{\infty} v_k(t), \qquad (9)$$

ва бу қаторнинг йиғиндиси (8) тенгламанинг ечими эканлигини кўрсатамиз.

(9) қаторни якинлашишини исботлаш учун A операторнинг ихтиёрий натурал даражасини баҳолаймиз. Бунинг учун логарифмик Гильберт фазосини киритамиз:

$$H_m=\{v|\sum_{k\in\mathbb{Z}^n}\left|\hat{v}_k\right|^2\ln^{2m}\sqrt{e^2+|k|^2}<\infty\}, m=1,2,...$$

Агар қуйидаги норма чекли бўлса, у ҳолда ихтиёрий $v\in L_2(D)$ функция $W_2^{\mu}(D)$ Соболев синфига тегишли бўлади

$$\|v\|^2_{W_2^{\mu}(D)}=(2\pi)^n\sum_{k\in\mathbb{Z}^n}|\ \hat{v}_k\ |^2\ (1+|k|^2)^{\mu}\ .$$

$C\left[\mathbb{R}^+\to H\right]$ орқали t бўйича узлуксиз $f:\mathbb{R}^+\to H$ функциялар синфини белгилаймиз ва унинг нормаси

$$\|f\|_{H,t}=\sup_{0\le s\le t}\|f(s)\|_H\ .$$

Агар $H=H_m$ бўлса, қуйидаги белгилашдан фойдаланамиз

$$\|f\|_{m,t}=\sup_{0\le s\le t}\|f(s)\|_m.$$

1-лемма. *Агар барча натурал* m *сонлар учун* $F \in C\left[\mathbb{R}^{+} \to H_{m}\right]$ *бўлса, у ҳолда ихтиёрий* $k \in \mathbb{N}$ *ва айрим* $M > 0$ *лар учун қуйидаги баҳолаш ўринли бўлади*

$$\| A^{k} F \|_{m,t} \le \frac{(k+m)!}{\mu^{k+m}} e^{\mu-1} \| F \|_{W_2^{\mu},t} \sum_{i=0}^{k} C_k^i \, |\alpha|^{k-i} \, M^i \, \frac{t^{k+i}}{(k+i)!}.$$

2-лемма. *Айтайлик* $\mu > 0$ *ва* $0 \le T \le \sqrt{\frac{\mu}{\mathrm{K}}}$ *ўринли бўлсин. У ҳолда ихтиёрий* $F \in C\,[\mathbb{R}^{+} \to W_2^{\mu}(D)]$ *функция ва* m *натурал учун (9) Нейман қатори* H_m *Гилберт фазони нормасида* $0 \le t \le T$ *текис яқинлашади ва унинг йиғиндиси қуйидаги баҳолашни канотлантиради*

$$\| u \|_{m} \le D_m(\mu) \frac{(m+1)!}{\left(1 - \frac{\mathrm{K} t^2}{\mu}\right)^{(m+2)}},$$

бу ерда $D_m(\mu) = e^{\mu-1} \frac{(m+1)!}{\mu^m}.$

4-теорема. *Агар* $\mu > 0$, $\varphi(x)$, $\psi(x) \in W_2^{\mu}(D)$ *ва* $f(x,t) \in W_2^{\mu}(D)$ *функция* t *бўйича узлуксиз бўлса, (6)-(7) масаланинг ечими мавжуд ва ягона*.

Диссертациянинг **иккинчи бобида** «Бўлакли силлиқ чегарали ихтиёрий соҳада деформациянинг перидинамик формулировкаси» деб номланган бўлиб, Коши масаласининг чизиқли перидинамик модел билан боғланган сингуляр ядроли интегро-дифференциал тенгламанинг ечимини ўрганишга бағишланган.

Бу бобнинг **биринчи параграфида** интегро-дифференциал тенглама билан тавсифланган перидинамик моделнинг қуйидаги математик ифодаси берилган:

$$\frac{\partial^2 u}{\partial t^2} + \int_D K(x,y)\left[u(x,t) - u(y,t)\right]dy = f(x,t), \;\; x \in \Omega, t > 0 \qquad (10)$$

ва қуйидаги бошланғич шартлар

$$u(x,0) = \varphi(x), \;\; u_t(x,0) = \psi(x), x \in \Omega, \qquad (11)$$

бу ерда $\Omega \subset \mathbb{R}^n$ бўлакли силлиқ чегарали соҳа, $n \ge 3$.

Ушбу параграфда соддалаштирилган модел кўриб чиқилган бўлиб $u : \Omega \times [0,T] \to \mathbb{R}$ - номаълум функция, $K : \Omega \times \Omega \to \mathbb{R}$ ядро ва $f : \Omega \times [0,T] \to \mathbb{R}$ ташқи куч функциялари скаляр функциялар деб қаралган.

(10) тенгламанинг интеграл оператори махсус кучли сингулар ядрога эга ва у $x = y$ диагонал яқинида унинг кўриниши қуйидагича бўлсин

$$K(x,y) = \frac{c}{|x-y|^n} + \gamma(x,y),$$

бу ерда $\gamma(x,y)$ интегралланувчи функция ва қуйидаги чегаравий шартни қанотлантиради

$$\frac{\partial}{\partial \nu_x} K(x,y)=0, x\in\partial\Omega, y\in\Omega.$$

Бу ерда $\nu(x)$ эса $x\in\partial\Omega$ нуқтадаги $\partial\Omega$ чегарага ташқи нормал.

Тегишли интеграл оператор

$$Au(x)=\int_{\Omega} K(x,y)\left[u(x)-u(y)\right]dy \tag{12}$$

классик функционал фазоларда гиперсингуляр ва $L_p(\Omega)$ да ёки $W_p^l(\Omega)$ Соболев фазоларида чегараланмаган.

Нейман чегара шартлари натижасида ҳосил бўлган Δ Лаплас операторининг ўз-ўзига қўшма кенгайишини кўриб чиқамиз. Бу кенгайиш спектри $\{\lambda_k\}$ хос сонлардан иборат ва $\{\upsilon_k\}$ хос функциялар қуйидаги тенгликни қанотлантиради:

$$-\Delta\upsilon_k(x)=\lambda_k\upsilon_k(x),\ x\in\Omega,\ \frac{\partial\upsilon_k(s)}{\partial\nu}=0, s\in\partial\Omega, k=0,1,2,... \tag{13}$$

Бу спектрал масала ечимини $W_2^1(\Omega)$ маъносида тушинамиз.

Ихтиёрий $\beta\geq 0$ учун

$$\|u\|_{\beta}^2=\sum_{k=0}^{\infty}(1+\lambda_k)^{\beta}\left|(u,\upsilon_k)\right|^2$$

норма билан $H^{\beta}(\Omega)=D((\mathrm{I}-\Delta)^{\beta/2})$ Гильберт фазосини киритамиз.

$\alpha>0$ бўлганда $W_2^{\alpha}(\Omega)$ орқали α (каср) тартибли классик Соболев фазолар белгиланган.

Ихтиёрий $T>0$, $m=0,1,...$ ва ихтиёрий B банах фазо учун, $[0,T]$ ни B га m марта узлуксиз дифференциаланувчи акслантиришлар фазосини $C^m\{[0,T]\to B\}$ орқали белгилаймиз.

(10) - (11) масалани $H^{\beta}(\Omega)$ синфдаги ечими деб (10) тенгламани ва (11) бошланғич шартларини қанотлантирувчи $u\in C^m\left\{[0,T]\to H^{\beta}(\Omega)\right\}$ функция айтамиз.

Ушбу бобнинг **иккинчи параграфида** Соболев синфидаги функциялар учун янги баҳолар олинган, бу биринчи параграфдаги масалани ечиш учун жуда муҳимдир.

$\Omega\subset\mathbb{R}^n$ бўлакли силлик чегарали соҳа бўлсин ва Ω_h орқали ихтиерий $h>0$ да қуйидаги соҳани белгилаймиз

$$\Omega_h = \{x\in\Omega\ :\ dis(x,\partial\Omega)>h\}.$$

Агарда қуйидаги шарт

$$\left|\Omega\setminus\Omega_h\right|\leq const\, h^{\tau}, 0<h<1.$$

бажарилса, у ҳолда Ω майдон $0 < \tau \le 1$ да B^{τ} синфига тегишли бўлади. Бундан ташқари, f функция $W_p^{\alpha}(\Omega)$ синфга тегишли бўлиши учун у билан бир хил белгиланадиган $W_p^{\alpha}(\mathbb{R}^n)$ даги баъзи функцияларнинг изи бўлиши керак.

Ихтиёрий $h > 0$ да Ω_h тўпламнинг характеристик функциясини χ_h орқали белгилаймиз.

Қуйидаги функцияларни киритамиз

$$P(x,h) = f(x)\chi_{3h}(x), \quad Q(x,h) = f(x)\left[\chi(x) - \chi_{3h}(x)\right].$$

Бундан эса $P(x,h)$ функцияни ташувчиси Ω_{3h} да ва $Q(x,h)$ функцияни ташувчиси $\Omega \setminus \Omega_{3h}$ да аниқланганлиги келиб чиқади.

Маълумки, қуйидаги тенглик бажарилади

$$f(x) = P(x,h) + Q(x,h), \quad x \in \Omega.$$

3-лемма. *Ихтиёрий $u \in \mathbb{R}^n, |u| < h$ вектор учун қуйидаги баҳо ўринли*

$$\int_{R^n} |P(x+u,h) - P(x,h)|^2 dx \le \mathrm{const} \cdot h^{2\alpha\tau/n}.$$

4-лемма. *Ихтиёрий $h > 0$ да қуйидаги баҳо ўринли*

$$\int_{\Omega} |Q(x,h)|^2 dx \le \mathrm{const}\, h^{2\alpha\tau/n}.$$

Бундан кейин $0 < \tau \le 1$ да $\Omega \in B^{\tau}$ деб қараймиз.

5-лемма. *Айтайлик, $f \in W_2^{\alpha}(\Omega)$, $0 < \alpha < 1$. У ҳолда ихтиёрий $h > 0$ учун қуйидаги тенгсизлик ўринли*

$$\sum_{k=1}^{\infty} |P_k(h)|^2 [\phi(h\sqrt{\lambda_k}) - 1]^2 \le const \cdot h^{(2\alpha\tau/n)}.$$

6-лемма. $f \in W_2^{\alpha}(\Omega)$, $0 < \alpha < 1$, *бўлсин. У ҳолда ихтиёрий $h > 0$ учун қуйидаги тенгсизлик ўринли*

$$\sum_{k=1}^{\infty} |Q_k(h)|^2 \left[\phi\left(h\sqrt{\lambda_k}\right) - 1\right]^2 \le \mathrm{const}\, h^{2\alpha\tau/n}.$$

7-лемма. *Айтайлик, $\Omega \in B^{\tau}$, $0 < \tau \le 1$ ва $f \in W_2^{\alpha}(\Omega)$, $0 < \alpha < 1$ бўлсин. У ҳолда ихтиёрий $\mu \ge 1$ учун қуйидаги тенгсизлик ўринли*

$$\sum_{\mu \le \sqrt{\lambda_k} \le 2\mu} |f_k|^2 \le \mathrm{const}\, \mu^{-2\alpha\tau/n}.$$

8-лемма. *Айтайлик, $\Omega \in B^{\tau}$, $0 < \tau \le 1$ ва $f \in W_2^{\alpha}(\Omega)$, $0 < \alpha < 1$ бўлсин. У ҳолда ихтиёрий $0 < \beta < \alpha\tau/n$ учун куйидаги тенгсизлик ўринли*

$$\sum_{k=1}^{\infty} |f_k|^2 \lambda_k^{\beta} < \infty.$$

5-теорема. *Ихтиёрий $0 < \alpha < 1$ ва $0 < \beta < \alpha / n$ сонлар учун айниятли оператор доимий равишда $W_2^{\alpha}(\Omega)$ дан $H^{\beta}(\Omega)$ га узлуксиз таъсир қилади, яъни*

$$\|u\|_\beta \le const\|u\|_{W_2^\alpha(\Omega)}.$$

Иккинчи бобнинг **учинчи параграфи** (10) - (11) масала ечилишига бағишланган. Қуйидаги функцияни киритамиз (эслатиб ўтамиз, $n \ge 3$):

$$L_0(x,y) = \alpha\, |x-y|^{2-n} \ln\frac{1}{|x-y|}\cdot \chi\left(\frac{|x-y|}{R}\right), \quad x\in\Omega, \quad y\in\Omega, \qquad (14)$$

бу ерда $\alpha = \dfrac{\Gamma\left(\frac{n}{2}-1\right)}{2\pi^{n/2}}$ ва $\chi \in C^\infty(\mathbb{R})$ ўсмайдиган функция

$$\chi(r) = \begin{cases} 1, \text{ агар } r \le 1/2, \\ 0, \text{ агар } r \ge 1. \end{cases}$$

9-лемма. *(14) функцияни (13) масаланинг хос функциялари бўйича Фурье қатори қуйидаги кўринишга эга*

$$L_0(x,y) = \sum_{\lambda_k>0}\frac{\ln\lambda_k}{\lambda_k}v_k(x)v_k(y) + \gamma\sum_{\lambda_k>0}\frac{v_k(x)v_k(y)}{\lambda_k} + \sum_{k=1}^{\infty}c_k(x)v_k(x)v_k(y),$$

бу ерда $c_k(x)$ *коэффициентлар ҳар бир N натурал сон учун қуйидаги шартни қанотлантиради*

$$|c_k(x)| \le \frac{C_N(x)}{(1+\lambda_k)^N}, \qquad (15)$$

ва $C_N(x)$ *қийматлари x буйича* Ω *нинг ихтиёрий компакт қисм тўпламида чегараланган.*

Биз *G(x,y)* орқали (13) масаланинг Грин функцияни белгилаймиз:

$$G(x,y) = \sum_{\lambda_k>0}\frac{v_k(x)v_k(y)}{\lambda_k}.$$

Ва қуйидагини киритамиз

$$R(x,y) = \sum_{k=1}^{\infty}c_k(x)v_k(x)v_k(y).$$

(15) баҳолашдан $R(x,y)$ функция $\Omega\times\Omega$ соҳасида чексиз дифференциалланувчи эканлиги келиб чиқади.

Қуйидаги функцияни киритамиз

$$L(x,y) = L_0(x,y) - \gamma G(x,y) - R(x,y). \qquad (16)$$

10-лемма. *(16) тенглик билан аниқланган* $L(x,y)$ *функциянинг Фурье қатори куйидаги кўринишга эга*

$$L(x,y) = \sum_{\lambda_k>0}\frac{\ln\lambda_k}{\lambda_k}v_k(x)v_k(y).$$

$L(x,y)$ *функция x = y диагоналидан ташқарида чексиз дифференциалланувчи ва ҳар бир* $K \subset \Omega$ *компактида текис. Бундан ташқари, унинг ҳосилалари қуйидаги шартни қанотлантиришади*

$$\left|D^{\alpha} L(x,y)\right| \le const \frac{|\ln|x-y||}{|x-y|^{n-2+\alpha}}, \quad x\in\Omega, \quad y\in\Omega.$$

Эслатиб ўтамиз

$$K(x,y) = \left(-\Delta_y\right) L(x,y),\ x\in\Omega, y\in\Omega. \qquad (17)$$

11-лемма. *Ихтиёрий $u\in C_0^{\infty}(\Omega)$ функция учун қуйидаги тенглик ўринли*

$$\| Au(x)\|_{\beta} = \sum_{k=1}^{\infty} |\left(u, v_k\right)|^2 \cdot \lambda_k^{\beta} \ln^2 \lambda_k.$$

6-теорема. *Ихтиёрий $0<\alpha<1$ ва мусбат β < α/n ларда сингуляр интеграл оператор A узлуксиз $W_2^{\alpha}(\Omega)$ ни $H^{\beta}(\Omega)$ га ўтказади ва*

$$\|Au\|_{\beta} \le const \|u\|_{W_2^{\alpha}(\Omega)}.$$

(10) тенгламанинг ечими (13) чегаравий масалани хос функциялари орқали ёйилган қатор кўринишда қидирилади. Ушбу параграфнинг асосий натижаси қуйидагича.

7-теорема. *Айтайлик, $\alpha\in(0,1)$ ва $0<\beta<\alpha/n$ бўлсин. Агар ихтиёрий $T>0$, $\varphi(x)\in W_2^{\alpha}(\Omega)$, $\psi(x)\in W_2^{\alpha}(\Omega)$ ва $f(x,t)\in C\left\{[0,T]\to W_2^{\alpha}(\Omega)\right\}$ лар учун (10)-(11) масалани ечими мавжуд, ягона ва $C^2\left\{[0,T]\to H^{\beta}(\Omega)\right\}$ синфга тегишли.*

Иккинчи бобнинг **тўртинчи параграфи** (10)-(11) масалани икки ўлчовли бўлакли силлиқ чегарали соҳада ўрганилган.

Бундай соҳаларда (17) тенглик қуйидаги ҳолларда амалга оширилади

$$L(x,y) = \frac{1}{2}\ln^2|x-y| + \eta(x,y). \qquad (18)$$

Ушбу функция олдинги параграфдаги каби аниқланади, аммо

$$L_0(x,y) = \frac{1}{2}\ln^2|x-y| \cdot \chi\left(\frac{|x-y|}{R}\right), \qquad (19)$$

бўлади.

13-лемма. *Икки ўлчовли соҳада (19) функцияни (13) масаланинг хос функциялари бўйича Фурье қатори қуйидаги кўринишга эга*

$$L_0(x,y) = \pi \sum_{\lambda_k>0} \frac{\ln\lambda_k}{\lambda_k} \upsilon_k(x)\upsilon_k(y) + \gamma \sum_{\lambda_k>0} \frac{\upsilon_k(x)\upsilon_k(y)}{\lambda_k} + \sum_{k=1}^{\infty} d_k(x)\upsilon_k(x)\upsilon_k(y),$$

бу ерда $d_k(x)$ коэффицентлар ҳар бир N натурал сон учун қуйидаги шартни қанотлантиради

$$\left|d_k(x)\right| \le \frac{D_N(x)}{\left(1+\lambda_k\right)^N},$$

ва $D_N(x)$ қийматлари x буйича Ω нинг ҳар бир компакт қисм тўпламида чегараланган.

(12) сингуляр интеграл оператор учун 13-леммага кўра қуйидаги ўринли.

14-лемма. *Ихтиёрий* $u \in C_0^\infty(\Omega)$ *функция учун қуйидаги тенглик ўринли*

$$Au(x) = \sum_{k=1}^{\infty} \ln \lambda_k (u, \upsilon_k) \upsilon_k(x), \; x \in \Omega.$$

Икки ўлчовли соҳада (10) - (11) масала учун қуйидаги теорема ўринли.

8-теорема. *Айтайлик,* $n = 2,\; \alpha \in (0,1)$ *ва* $0 < \beta < \alpha / 2$ *бўлсин. Ихтиёрий* $T > 0$, $\varphi(x) \in W_2^\alpha(\Omega)$, $\psi(x) \in W_2^\alpha(\Omega)$ *ва* $f(x,t) \in C\{[0,T] \to W_2^\alpha(\Omega)\}$ *лар учун (10)-(11) масалани ечими мавжуд, ягона ва* $C^2\{[0,T] \to H^\beta(\Omega)\}$ *синфга тегишли.*

Учинчи боб икки ўлчовли даврий структурада чизиқли перидинамик моделни ўрганишга бағишланган.

Ушбу бобнинг **биринчи параграфида** қуйидаги интегро-дифференциал тенгламага кўриб чиқилади

$$\frac{\partial^2 u}{\partial t^2} + \int_{\mathbb{T}^2} K(x,y)\left[u(x,t) - u(y,t)\right]dy = f(x,t), \quad x \in \mathbb{T}^2, \quad t > 0, \tag{20}$$

$$u(x,0) = \phi(x),\; u_t(x,0) = \psi(x),\; x \in \mathbb{T}^2. \tag{21}$$

Бу ерда $x = (x_1, x_2) \in \mathbb{T}^2 = [-\pi, \pi] \times [-\pi, \pi]$. Барча функциялар ҳар бир $x_k,\, k = 1,2,$ ўзгарувчи бўйича 2π даврга эга ҳисобланади.

(20) тенглама ва (21) шартларида $u : \mathbb{T}^2 \times [0,T] \to \mathbb{R}^2$ - номаълум функция, K – ядро $\mathbb{T}^2 \times \mathbb{T}^2$ соҳада берилган 2×2 ўлчамли матрица функцияси, $\phi : \mathbb{T}^2 \to \mathbb{R}^2$, $\psi : \mathbb{T}^2 \to \mathbb{R}^2$ - бошланғич маълумотлар ва $f : \mathbb{T}^2 \times [0,T] \to \mathbb{R}^2$ – ташқи куч.

Тенгламада қуйидагича ядро қаралади

$$K(x,y) = K_\tau(x-y), \quad x \in \mathbb{T}^2,\; y \in \mathbb{T}^2,$$

бу ерда $K_\tau(x)$ – даврий функция бўлиб қуйидаги кўринишга эга

$$K_\tau(x) = \frac{(x \otimes x)}{|x|^{4+\tau}} \chi(|x|), \quad \tau > 0, \quad x \in \mathbb{T}^2. \tag{22}$$

Айрим $\rho > 0$ ва фиксирланган $0 < \beta < 1$ лар учун қуйидаги шартни қаноатлантирадиган $\chi \in C_0^\infty(\mathbb{R})$ функцияни киритамиз

$$\chi(r) = \begin{cases} 1 & , \quad r \le (1-\beta)\rho, \\ 0 & , \quad r \ge \rho, \end{cases}$$

ва $0 \le \chi(r) \le 1,\; r \in \mathbb{R}$.

Одатда ρ горизонт параметр жуда кичик, β параметрнинг қиймати чегара қатламининг қалинлиги билан белгиланади, унда атрофдаги зарраларнинг таъсири нолга чиқади.

$K_\tau(x)$ ядронинг жуфтлигидан фойдаланиб, (20) тенгламани қуйидагича ёзиш мумкин

$$u_{tt}(x,t)-\frac{1}{2}\int_{\mathbb{T}^2}K_\tau(y)\big[u(x+y,t)-2u(x,t)+u(x-y,t)\big]dy=f(x,t). \quad (23)$$

Биз бундан кейин

$$0<\tau<2 \quad (24)$$

деб қабул қиламиз.

Ихтиёрий $\alpha>0$ учун $L_2^\alpha(\mathbb{T}^2)$ Соболев фазони $f\in L_2(\mathbb{T}^2)$ вектор функциялари майдони сифатида аниқлаймиз, улар учун норма чекланган

$$\| f \|_{L_2^\alpha}^2 = 4\pi^2\sum_{k\in\mathbb{Z}^2}| f_k|^2(1+|k|^2)^\alpha .$$

Бу ерда f_k - f функциянинг Фурье коэффициентлари.

$\alpha>0$ бутун сон бўлганда $L_2^\alpha(\mathbb{T}^2)$ фазоси $W_2^\alpha(\mathbb{T}^2)$ Соболевнинг одатий фазосига тўғри келади.

Қуйидаги операторни киритамиз

$$Bv(x)=\frac{1}{2}\int_{\mathbb{T}^2}K_\tau(y)\big[v(x+y)-2v(x)+v(x-y)\big]dy\,. \quad (25)$$

Шундай қилиб, (21) бошланғич шартлар билан қуйидаги Коши масаласига келдик.

$$u_{tt}(x,t)-Bu(x,t)=f(x,t),\quad x\in\mathbb{T}^2,\quad t>0. \quad (26)$$

(26), (21) Коши масаланинг ечими $u(x,t)$ ни ҳар бири $L_2^\tau(\mathbb{T}^2)$ га тегишли функция сифатида аниқлаймиз, у $L_2(\mathbb{T}^2)$ фазонинг нормаси бўйича $t\geq 0$ ёпиқ ярим текисликда t бўйича узлуксиз, $t>0$ очиқ ярим текисликда t бўйича икки марта узлуксиз дифференциалланувчи функция бўлиб, (26) тенглама ва (21) бошланғич шартни қанотлантиради.

(24) шартни қўллаш орқали биз фазовий ўзгарувчиларда узилишга эга ечимларнинг мавжудлигини кўришимиз мумкин.

Иккинчи параграфида гиперсингуляр оператор мунтазам интеграл-дифференциал операторга айланади. Асосий босқичларни берамиз.

Ҳар қандай $u\in C^\infty(\mathbb{T}^2)$ функциянинг Фурье коеффициентлари $v=(\nabla\otimes\nabla)u$ функцияни Фурье коэффициентлари билан қуйидаги тенглик орқали боғланади

$$v_k=(ik\otimes ik)u_k.$$

Қуйидаги дифференциал операторни киритамиз:

$$A_\tau(\nabla)=\frac{1}{\tau(\tau+2)}\left[(\nabla\otimes\nabla)+\frac{1}{\tau}I\Delta\right]. \quad (27)$$

Агар $f(x)$ ихтиёрий силлиқ функция бўлса, у ҳолда $A_\tau(\nabla)f(x)$ белги $A_\tau(\nabla)$ ва $f(x)I$ матрицаларнинг кўпайтмасига тенг

$$A_\tau(\nabla)f(x)=A_\tau(\nabla)\big[f(x)I\big].$$

2-тасдиқ. *Ихтиерий $\tau>0$ учун қуйидаги тенглик ўринли*

$$A_\tau(\nabla)\frac{1}{|x-y|^\tau} = \frac{(x-y)\otimes(x-y)}{|x-y|^{\tau+4}}.$$

1-натижа. Умумийликка зиён келтирмаган ҳолда (26) ядро қуйидаги кўринишда деб олиш мумкин

$$K_\tau(x) = A_\tau(\nabla)\frac{\chi(|x|)}{|x|^\tau} + W(x), \quad \tau>0, \quad x\in\mathbb{T}^2,$$

бу ерда элементлари $w^{(ij)}\in C_0^\infty(\mathbb{T}^2)$ бўлган $W(x)$матрица функцияси.

15-лемма. *Ихтиёрий* $v\in C^\infty(\mathbb{T}^2)$ *функция учун қуйидаги тенглик тўғри*

$$Bv(x) = \int_{\mathbb{T}^2}\frac{\chi(|y|)}{|y|^\tau}A_\tau(\nabla_y)v(x-y)dy +$$

$$+\frac{1}{2}\int_{\mathbb{T}^2}\left[W(y)+W(-y)\right]v(x+y)dy - \left(\int_{\mathbb{T}^2}W(y)dy\right)v(x).$$

Учинчи бобнинг **учинчи параграфида** $0<\tau<2$ учун қуйидаги ядро қаралган

$$L(x) = \frac{\chi(|x|)}{|x|^\tau}, \quad x\in\mathbb{T}^2,$$

бундан ташқари, ушбу функциянинг Фурье коеффициентлари қуйидаги тенгликни қаноатлантиради

$$L_k = \frac{C_\tau}{|k|^{2-\tau}} + O\left(|k|^{-N}\right), k\neq 0,$$

бу ерда C_τ фақат τ га боғлиқ.

Ихтиёрий 2×2 ўлчамли $G=\left(g^{(ij)}\right)$ матрица учун қуйидаги нормани киритамиз

$$|G| = \left(\sum_{i,j=1}^{2}|\, g^{(ij)}\,|^2\right)^{1/2}.$$

Куйидаги белгилашни киритамиз

$$\Lambda(k) = (2\pi)^2\left[L_k A_\tau(k) - W_k - W_{-k} + W_0\right], \quad k\in\mathbb{Z}^2. \tag{28}$$

Ҳар бир натурал N лар учун қуйидаги муносабат ўринли

$$\Lambda(k) = (2\pi)^2 C_\tau A_\tau(k)|k|^{\tau-2} + W_0 + O(|k|^{-N}), \ k\in\mathbb{Z}^2,$$

шундай қилиб, қуйидаги баҳолаш ўринли

$$\left|\Lambda(k)\right| \le C(1+|k|^2)^{\tau/2}, \ k\in\mathbb{Z}^2.$$

Бундан ташқари, шундай $b>a>0$ ва $R>0$ сонлар мавжудки, ҳар бир $|\xi|=1$ да $\xi\in R^2$, $\Lambda(k)$ матрица қуйидаги тенгсизликни қанотлантиради

$$a|k|^\tau \le \left(\Lambda(k)\xi,\xi\right) \le b|k|^\tau, \quad k\in\mathbb{Z}^2, \quad |k|\ge R.$$

16-лемма. *Айталик* $0<\tau<2$ *бўлсин. У ҳолда ихтиёрий* $v\in C^\infty(\mathbb{T}^2)$ *функция учун қуйидаги баҳо ўринли*

$$\| Bv\|_{L_2\left(\mathbb{T}^2\right)} \le C\| v\|_{L_2^\tau\left(\mathbb{T}^2\right)}.$$

Охирги леммадан $B: C^\infty\left(\mathbb{T}^2\right)\to L_2\left(\mathbb{T}^2\right)$ гиперсингуляр оператор $B: L_2^\tau\left(\mathbb{T}^2\right)\to L_2\left(\mathbb{T}^2\right)$ узлуксиз оператордек кенгайтирилиш мумкинлиги келиб чиқади.

Учинчи бобнинг **тўртинчи параграфида** (21) бошланғич шартлар билан (26) дифференциал тенглама кўриб чиқилган. Фурье коеффициентларига ўтиш орқали қуйидаги Коши масаласини оламиз:

$$\frac{d^2u_k(t)}{dt^2} + \Lambda(k)u_k(t) = f_k(t), \quad k\in\mathbb{Z}^2, \quad t>0, \tag{29}$$

$$u_k(0) = \phi_k, \quad \frac{du_k}{dt}(0) = \psi_k. \tag{30}$$

